

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС  
ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ**

**ТОШКЕНТ АРХИТЕКТУРА-ҚУРИЛИШ ИНСТИТУТИ**

**“БИНО ВА ИНШООТЛАР ҚУРИЛИШИ” ФАКУЛЬТЕТИ**

**“БИНО ВА ИНШООТЛАР” КАФЕДРАСИ**

ДИПЛОМ ЛОЙИХАСИ БЎЙИЧА

**Т У Ш У Н Т И Р И Ш   Х А Т И**

Диплом лойиҳасининг мавзуси:

**Навоий вилоятидаги Асака банк биносини лойиҳалаш.**

Битирувчи 11-12 БИҚ гуруҳ талабаси

**Мирходжаева Мухлиса Мирбоситовна**

Тушунтириш хати \_\_\_\_ бет

Чизма \_\_\_\_ варақ

Кафедра мудири:

доц. Сайфиддинов С.

Диплом лойиҳаси раҳбари

доц. Сайфиддинов С.

Маслаҳатчилар:

Архитектура

доц. Сайфиддинов С.

Хисобий қисм

к.ўқ. Хасанова Н.Т.

Мехнат муҳофазаси

к.ўқ. Азимова У.

Тошкент - 2016 йил

**ТОШКЕНТ АРХИТЕКТУРА-ҚУРИЛИШ ИНСТИТУТИ  
“БИНО ВА ИНШООТЛАР ҚУРИЛИШИ” ФАКУЛЬТЕТИ  
“БИНО ВА ИНШООТЛАР” КАФЕДРАСИ**

ДИПЛОМ ЛОЙИХАСИНИ БАЖАРИШ БЎЙИЧА

**Т О П Ш И Р И Қ**

1. Диплом лойиҳасининг мавзуси: \_\_\_\_\_  
\_\_\_\_\_

Институт бўйича 2016 йил «15» апрелдаги №143- сон буйруқ  
билан тасдиқланган.

2. Диплом лойиҳасини бажариш учун маълумотлар \_\_\_\_\_  
\_\_\_\_\_  
\_\_\_\_\_

3. Тушунтириш хатида келтириладиган маълумотлар: \_\_\_\_\_ та варақ

а) Архитектура-қурилиш қисми бўйича \_\_\_\_\_  
\_\_\_\_\_  
\_\_\_\_\_

б) Конструктив-ҳисоблаш қисм бўйича \_\_\_\_\_  
\_\_\_\_\_  
\_\_\_\_\_

в) Меҳнат муҳофазаси ва технология қисмлари бўйича \_\_\_\_\_  
\_\_\_\_\_  
\_\_\_\_\_  
\_\_\_\_\_

д) Фойдаланилган адабиётлар рўйхати \_\_\_\_\_  
\_\_\_\_\_  
\_\_\_\_\_  
\_\_\_\_\_

4. Диплом лойихаси чизмалари рўйҳати (A1 форматда \_\_\_\_\_ лист ватман):

а) Архитектура-қурилиш чизмалари: \_\_\_\_\_

\_\_\_\_\_

\_\_\_\_\_

б) Хисобий чизмалар: \_\_\_\_\_

\_\_\_\_\_

\_\_\_\_\_

5. Диплом лойихаси қисмлари бўйича маслаҳатчилар:

| № | . Диплом лойихасининг қисмлари | Бошла-<br>ниш<br>муддати | Тугалла-<br>ниш<br>муддати | Имзо | Маслаҳатчи-<br>нинг<br>фамилияси |
|---|--------------------------------|--------------------------|----------------------------|------|----------------------------------|
| 1 | Архитектура-қурилиш қисми      |                          |                            |      |                                  |
| 2 | Хисобий қисм                   |                          |                            |      |                                  |
| 3 | Меҳнат муҳофазаси қисми        |                          |                            |      |                                  |

6. Топшириқ берилган сана \_\_\_\_\_

7. Тугалланган диплом лойихасини бўйича топшириш санаси \_\_\_\_\_

Диплом лойихаси раҳбари \_\_\_\_\_  
(имзо)

Топшириқ бажариш учун қабул қилинди \_\_\_\_\_  
(имзо)

Кафедра мудири Сайфиддинов С. \_\_\_\_\_  
(имзо)

# МУНДАРИЖА

## МУНДАРИЖА

|                                                         |    |
|---------------------------------------------------------|----|
| 1. Диплом лойҳаси бўйича топшириқ.....                  | 2  |
| 2. Мундарижа.....                                       | 4  |
| 3. Кириш.....                                           | 5  |
| 4. Архитектуравий қурилиш қисми.....                    | 11 |
| 5. Қурилиш туманининг таснифлари.....                   | 12 |
| 6. Лойихалашнинг архитектура конструктив ечимлари.....  | 11 |
| 7. Тўсиқ конструкциясининг иссиқлик техника ҳисоби..... | 25 |
| 8. Ҳисобий қисм .....                                   | 31 |
| 9. Меҳнат муҳофазаси қисми.....                         | 47 |
| 10. Фойдаланилган адабиётлар.....                       | 60 |

# К И Р И Ш

## К И Р И Ш

Келажаги буюк давлатни куриши, обод ва эркин жамиятни барпо қилиш барча соҳаларда, шу жумладан, архитектура ва қурилиш соҳасида ҳам катта режа ҳамда ислоҳатларни амалга оширишни тақазо этади.

Конституциямиз қабул қилинганини 25 йиллигига бағишлаб ўтказилган тантанали маросимда Ўртбошимиз 2016 йилни мамлакатимизда “Соғлом она ва соғлом бола йили” деб эълон қилишни таклиф этдилар [1].

“Дастурда аввало ҳам жисмоний, ҳам маънавий жиҳатдан соғлом, мустақил фикрлай оладиган, юксак интеллектуал салоҳиятли, чуқур билимли ва замонавий дунёқарашга эга, мамлакат тақдири ва келажаги учун масъулиятни ўз зиммасига олишга қодир баркамол авлодни шакллантириш, давлат ва жамиятнинг барча куч ва имкониятларини ана шу мақсадларга сафарбар этишга доир кенг миқёсли чора-тадбирларни амалга ошириш кўзда тутилган”.

Дастур етти бўлим ва 125 банддан иборат бўлиб, унда болалар туғилиши, таълим-тарбияси, оилада соғлом муҳитни, унинг иқтисодий ва маънавий-ахлоқий асосларини мустаҳкамлаш, ижтимоий соҳа ривожига ажратилаётган маблағлар самарадорлигини ошириш билан боғлиқ барча масалалар акс этган. Жумладан ушбу дастурда:

- 2016 йилда намунавий лойиҳалар асосида 11 минг якка тартибдаги уйлар қурилиши назарда тутилган.
- Давлат дастурида 60,1 мингта ўқув ўринга мўлжалланган 380 умумтаълим мактабларини реконструкция қилиш ва таъмирлаш, уларни компьютер техникаси, ўқув-лаборатория жиҳозлари ва бошқа ускуналар билан таъминлаш белгиланган.
- Бундан ташқари, 161 касб-ҳунар коллежи ва академик лицей, 48 болалар мусиқа ва санъат мактаби, 110 болалар спорт объектларини қуриш, реконструкция қилиш ва тубдан таъмирлаш режалаштирилган.

Ўзбекистон мустақилликка эришгандан кейинги 24 йил мобайнида мамлакатимизда бошқа соҳалар қатори қурилишда ҳам жуда катта ютуқларга эришилди. Кўплаб ҳашаматли бинолар, спорт саройлари, ёпиқ бозорлар,

замонавий кўча ва майдонлар, ҳиёбонлар ва боғлар, турар-жой бинолари, коллежлар, литсейлар ва бошқа қурилган бинолар қурилиш ва архитектура соҳасидаги ишларнинг кўлаmidан далолат бериб турибди. Бугунги кунда архитектура ижтимоий-иқтисодий, эстетик, демографик ва кўп асрлик тарихий маданият анъаналарининг бирлигини тикламоқда.

Уй жой қурилиши ва у билан биргаликда ривожланадиган инфратузилмалар-коммунал ва ижтимоий сектор, транспорт ва коммуникация тармоқлари, замонавий қурилиш материаллари ҳамда конструкцияларини ишлаб чиқариш капитал ва инвестицияларни жалб этиш, шунингдек, энг мураккаб ва жиддий ижтимоий масалалардан бири-аҳоли бандлиги муаммосини ҳал этишнинг ғоят мақбул ва самарали соҳаси сифатида хизмат қила оладиган ҳамда хизмат қилишни лозим бўлган йўналишга айланмоқда [2].

Республикамизнинг иқтисодий-ижтимоий тараққиётини, янги яна юксак босқичга кўтариш мақсадида ўртача ташланган ушбу таклиф халқимиз томонидан зўр мамнуният билан қўллаб-қувватланди.

Ўзбекистоннинг қарийб йигирма йиллик истиқлол даврида эришган натижалари бугун халқаро миқёсида ҳам алоҳида эътироф этилмоқда.

Хар бир оилада муносабатларни яхшилашни ва ёш оилаларни обод турмуш барпо этиши кўзда тутилган.

Мамлакатимизда фан-техника тараққиётининг жадаллашуви ишчи кадрлар малакасини, умумий маълумоти ва касбий тайёргарлигини тобора оширишни тақозо этмоқда.

Техника ва технология ривожланиб, меҳнат характери ўзгарган сари касб-ҳунар коллежларида ишлаб чиқариш таълимининг мазмуни, шакли ва услубиятлари ҳам такомиллаша боради.

Вазирлар Маҳкамасининг қарорларини амалга ошириш бўйича зарур вазифалардан бири — илмий-техникавий ютуқлар ва илғор тажрибалардан фойдаланиш, ашёлар ва меҳнатни тежаш орқали капитал қўйилмларни самарадорлигини ошириш ҳисобланади.

Жамият ҳаётини қайта қуриш, илмий-техник жадаллашув жараёнининг илғорлашуви дастури бевосита қурилиш соҳасига тегишлидир. Лойиҳалаштириш ва қурилиш соҳаларида фаолият юритувчи ташкилотлар фаолиятини баҳолаш бўйича асосий мезонлар сифатида лойиҳалаштирилувчи объектларга юқори сифатли хизмат кўрсатиш, меҳнат унумдорлигини ошириш ва улар қурилиши ва эксплуатация қилинишида ишлатиладиган моддий ресурслар харажатини камайтириш, шунингдек, умумий қурилиш қийматидаги қурилиш-монтаж ишлари учун кетадиган харажатларни қисқартириш ва архитектура-лойиҳалаштиришга оид ечимларни яхшилаш кабилар хизмат қилади.

Капитал қурилишда асосий эътибор аввалгидек, бетон ва темир бетон маҳсулотларига қаратилади. Бу асосан уларнинг бошқа қурилиш материаллари олдидаги кўплаб техник-иқтисодий афзалликлари, ташқи юқори ҳарорат ва агрессив муҳитларнинг таъсирига нисбатан юқори даражадаги мустаҳкамлиги ҳамда чидамлилиги, бетоннинг сув остида ҳам қотиб, мустаҳкамлигини ошириш қобилияти, бетон ва темир бетон маҳсулотларидан турли-туман шакллардаги бино, иншоотлар ва конструксияларни кўтариш имконияти кабилар билан боғлиқ ҳисобланади.

Сайёрамизда ҳозирда йилига 250 млн. м<sup>3</sup> дан ортиқроқ ҳажмдаги йиғма ва монолит темир бетон конструксиялари ишлаб чиқарилади. Замонавий жамиятнинг энг муҳим иқтисодий вазифаси – бу халқ хўжалиги барча соҳаларидаги қайта жиҳозлаш йўлларидаги илмий-техник ривожланишни тезлаштириш, илм-фан ва техника соҳаларидаги энг янги ютуқларга асосланган янги технологик схема ҳамда тизимларни жорий қилиш. Ўз навбатида, янги технологиялар бино-иншоотларнинг архитектура-қурилиш ечимларини такомиллаштириб боришни талаб қилади.

Капитал қурилиш соҳасида маблағларни жойлаштириш тизимлари қайта кўриб чиқилди.

Шунингдек, лойиҳа ташкилотларининг лойиҳа ишлари сифати учун масъулияти оширилмоқда, аҳоли яшаш уйлари, турар-жойлар ободонлигига

бўлган талаблар оширилмоқда. Охирги 10 йил ичида, ҳисоб-китобларга кўра мамлакатда 2 млн.дан кам бўлмаган хонадонларни қуриб битказиш зарурати мавжуд.

Президентимиз И.А.Каримов ташаббуси билан иқтисодиётимизга чет эл сармояларининг кириб келишига йўл очилди.

Бу эса ўз навбатида янги қурилишлар, реконструкциялар, таъмирлаш ва модернизациялаш ҳамда сервис хизмат кўрсатиш ишларини амалга оширишни тақозо этади.

Келажаги буюк давлатни қуриш, обод ва эркин жамиятни барпо қилиш барча соҳаларда шу жумладан, архитектура ва қурилиш соҳасида ҳам катта режа ҳамда ислоҳотларни амалга оширишни тақозо этади.

Банк тизимидаги ислоҳотлар иқтисодиётимизнинг барқарор ўсиш суръатларини таъминлашда энг муҳим омил бўлди. Бунинг натижасида тижорат банкларининг жами капитали 25 фоизга ошди. Банк тизимининг мустаҳкамланиши 2014-йилда Марказий банкнинг қайта молиялаш ставкасини 12 фоиздан 10 фоизга, тижорат банкларининг кредитлар бўйича фоиз ставкасини ҳам шунга мос равишда камайтириш учун зарур имкониятлар туғдирди.

Йўл-транспорт инфратузилмасини тараққий эттириш саноатни жадал ривожлантириш ва унинг салоҳиятини оширишга хизмат қилмоқда. 2014-йилда умумий фойдаланиш учун мўлжалланган 540 километр автомобил йўлини қуриш ва реконструкция қилиш ишлари якунланди. 116 километрдан иборат икки полосали йўл кенгайтирилиб, тўрт полосали қилиб қайта қурилди, бу эса ўз навбатида ушбу йўлларда қатновни 3 баробар ошириш имконини берди.

Ўтган йили темир йўллар қуриш, реконструкция қилиш ва электрлаштириш, юк ва йўловчи ташийдиган темир йўл транспортини қайта тиклаш ва модернизатсия қилиш бўйича лойиҳаларни амалга ошириш мақсадида 630 миллион доллардан зиёд маблағ ўзлаштирилди.

Бу маблағнинг ярмидан кўпи Ангрен – Поп электрлаштирилган темир йўл линиясини барпо этиш лойиҳасини жадал суръатларда давом эттиришга

йўналтирилди. Шу билан бирга, 240 километрлик темир йўл қайта тикланди, ўзимизда 650 та юк ва 20 та йўловчи ташиш вагонлари ишлаб чиқарилди, Қарши темир йўл вокзали реконструкция қилинди. Тошкент – Самарқанд ва Самарқанд – Тошкент йўналиши бўйича қатнайдиغان «Афросиёб» тезюрар

Навоий шаҳри аэропорти негизида ташкил қилинган халқаро логистика маркази Европа, Ҳиндистон, Хитой ва Жануби-Шарқий Осиёга авиатсия орқали юк ташишни амалга оширишга хизмат қилмоқда. Ушбу марказ фойдаланишга топширилганидан буён ўтган вақт мобайнида 200 минг тоннадан зиёд юк ташилди.

Шаҳарларимизни комплекс қуриш бўйича қабул қилинган дастурларнинг ҳаётга татбиқ этилиши натижасида Тошкент, Фарғона, Қўқон, Марғилон, Наманган, Урганч, Қарши, Термиз, Самарқанд ва бошқа кўплаб шаҳарларимиз қиёфаси тубдан ўзгариб бормоқда.

Буюк Британиянинг нуфузли «Економист» журналининг берган баҳосига кўра, Ўзбекистон пойтахти – Тошкент шаҳри ободлиги ва яшаш учун қулайлиги жиҳатидан дунё рейтингда 140 шаҳар орасида 58-ўринни эгаллади ва жаҳон таснифида яшаш учун энг қулай бўлган йирик шаҳарлар қаторига киритилди.

Кейинги қурилиш ишлаб чиқарилишини саноатлаштириб боришни текшириш жараёнлари бошланган бўлиб, бу ушбу саноатлаштиришни ягона тизим орқали заводларда ишлаб чиқарилган объектлар элементларидан қурилишларни амалга ошириш тизимидан қурилиш объектларига блоklar билан мустаҳкамланган муҳандислик ва технологик ускуналарни комплект равишда етказиб бериш тизимига ўтказиш жараёнини бошлаб бериши мумкин. У муносабат билан қўлда бажариладиган ишларни тахминан 25% га қисқартириш ва қурилишлардаги меҳнат унумдорлигини 16-17% га кўтариш назарда тутилмоқда.

# **АРХИТЕКТУРАВИЙ - ҚУРИЛИШ ҚИСМИ**

Навоий вилоятидаги Асака банк биносини лойихалаш.  
учун берилган маълумотлар.

- Курилиш районининг сейсмиклик балли – 8 балл
- ташқи хавонинг ҳисобий қишки температураси -  $-18^{\circ}\text{C}$
- Шамол босимининг тезлиги – 0.45 кПа
- Қор юкининг оғирлиги – 0.5 кПа
- Грунтнинг зичлиги – 18 кН/м (грунт сувлари ер сатхидан 4 м пастда жойлашган)
- Грунтнинг деформация модули – 16.0 мПа (16 кГс/см)
- Грунтнинг ички ишқаланиш бурчаги –  $n = 24$
- Меёрий солиштирма бикр боғланиш кучи –  $C_n = 13$  кПа
- Бино классси – II
- Бинони оловбардошлик даражаси - II
- Бинони умурбоқийлик даражаси – II

Бош режа

Навоий вилоятидаги Асака банк биноси 1,07 га участка майдонига тўғри бурчакли шаклда лойихаланган. Саноат курилиш банки биносининг майдони технологик норма ва талабларга асосан қуйидагича ҳудудларга бўлинган:

- асосий банк биноси корпуси жойлашган ҳудуд
- ёрдамчи бинолар жойлашган ҳудудлар
- хизмат машиналари учун тўхташ жойлари
- спорт майдонлари жойлашган ҳудудлар
- дам олиш ва қўшимча майдонлар жойлашган ҳудудлар

Хар битта ҳудуд ўзига керакли майдон ва иншоотлар йиғмасига эга. Тошкент шаҳридаги саноат курилиш банки биносининг территорияси максималл даражада кўкаламзорлаштирилган.

### Техник иқтисодий кўрсаткичлар

1. Умумий майдон –  $2640,0 \text{ м}^2$
2. Фойдаланадиган майдон –  $2020,0 \text{ м}^2$
3. Қурилиш ҳажми –  $26400,0 \text{ м}^3$
4. Қурилиш майдони –  $1320,0 \text{ м}^2$
5. Умумий сувга бўлган талаб –  $4,01 \text{ м}^3/\text{сут}$
6. электр энергияга бўлган таълаб –  $110 \text{ кВт}$
7. умумий иссиқлик харажати –  $334100/291 \text{ (Вт/Ккал/соат)}$

### Лойихалашнинг архитектура конструктив ечимлари

Навоий вилоятидаги Асака банк биноси тўғри тўртбурчак шаклда бўлиб, замонавий типда лойихаланган. Бино блоки ўзининг функциональ ечимига эга бўлиб, ўзаро йўлаклар ва зина тўрлари билан боғланган. Барча блокларнинг қурилиш ечимлари КМК 2.01.03-96 “Сейсмик районлардаги қурилиш” меёрий қоидаларига асосан ишлаб чиқилган.

Банк биносининг биринчи қаватида кириш вестибюли ( $148 \text{ м}^2$ ), тамбур( $10,8 \text{ м}^2$ ), вахтер хонаси( $23 \text{ м}^2$ ), аёллар ва эркеклар учун алоҳида санузеллар ( $13,6 \text{ м}^2 + 13,8 \text{ м}^2$ ), инвентарлар учун қўшимча ва ёрдамчи хоналар, ғазна зали ( $141,2 \text{ м}^2$ ), йўлаклар ( $33,3 + 63,8 \text{ м}^2$ ), банкдаги кассирларни пулларни санаш хонаси ( $95,4 \text{ м}^2$ ), навбатчи хонаси ( $16,2 \text{ м}^2$ ), зина катаклари ( $17,2 \text{ м}^2$ ), юкларни туриш ва юклаш майдончаси ( $11,2 \text{ м}^2$ ) ва омборхоналар ( $2,52 \text{ м}^2$ ) жойлашган. Бинонинг иккинчи қаватида катта компьютер зали ( $65,5 \text{ м}^2$ ), йўлак ( $18,2 \text{ м}^2$ ), зина ва лифт катаги учун холл ( $129,0 \text{ м}^2$ ), банк ишлари учун зал ( $293,0 \text{ м}^2$ ), серверлар учун хона ( $37,7 \text{ м}^2$ ), бош бухгалтер хонаси ( $37,8 \text{ м}^2$ ), ва омборхоналар ( $44,7 \text{ м}^2$ ) жойлашган. Банк биносининг учинчи қаватида юрист хонаси ( $19,0 \text{ м}^2$ ), биринчи бўлим хонаси ( $19,0 \text{ м}^2$ ), қабулхона, банк бошқарувчиси хонаси ( $59,8 \text{ м}^2$ ), банк бошқарувчисининг муовини хонаси ( $36,0 \text{ м}^2$ ), кадрлар бўлими хонаси ( $37,7 \text{ м}^2$ ), молия бўлими хонаси ( $65,3 \text{ м}^2$ ), пул муомулалари бўлими хонаси ( $56,2 \text{ м}^2$ ), аёлларни шахсий гигиена хонаси, хизматчиларнинг дам олиш

хоналари, омборхона, аёллар ва эркеклар учун алоҳида санузеллар ( $12,2 \text{ м}^2 + 11,3 \text{ м}^2$ ) жойлашган. Бинонинг тўртинчи ва бешинчи қаватларида асосан хизматчиларнинг ишчи хоналари,  $74,0 \text{ м}^2$  ли битта кичик спорт залива санузеллар лойихаланган.

Бинонинг ҳар бир қавати сейсмик камарлар билан мустаҳкамланган.

- 1- Банк биносининг режадаги ўлчами  $39,0 \times 15 \text{ м}$ .
- 2- Қаватлар баландлиги  $3,0 \text{ м}$
- 3- Ер тўла қаватини баландлиги  $4,2 \text{ м}$
- 4- Бинонинг том қатлами шамоллатиладиган том (иссиқлик қатлами ҳажм оғирлиги  $600 \text{ м}^3$  бўлган керамзит)
- 5- Қаватлар аро ёпма кўп қовакли йиғма темир бетон плита

Навоий вилоятидаги Асака банк биносикаркасли системада ишлаб чиқилган. Каркаслар асосан қўйма темирбетондан тайёрланган. Қўйма темирбетон рамалар оралиқлари  $3,0$  ва  $6,0 \text{ м}$ , қаватлар баландлиги эса  $3,0 \text{ м}$  ни ташкил қилади.

Пойдеворлари лентасимон ва устунсимон қўйма темир бетондан иборат. Деворлари ўз-ўзини кўтарувчи арматураланган иккинчи категорияга кирувчи ғиштли деворлардир. Ораёпма ва том епмалар УТР 46.1-95 в.1. серияли кўп қовакли йиғма темир бетон плитадан иборат. Банк биноси қаттиқ конструктив схемада лойихаланган.

Пойдевор бинонинг асосий конструктив элементларидан бири ҳисобланиб, у бинонинг ер устки қисмидан тушаётган оғирликни асосга узатиб туради. Пойдеворлар ҳар хил ташқи куч ва муҳит остида бўлади. Бу таъсирлардан асосийлари: бутун бинонинг оғирлиги, тупроқ кўтарилиши ва музлашидан ҳосил бўладиган таъсир кучлари, сейсмик таъсирлар, товуш таъсиридан бинонинг титраши, ўзгарувчан температура, намлик, химиявий моддалар таъсири, бактериялар, замбурғлар, ҳашоротлар таъсири ва ҳ.

Бундай таъсирларга бардош бериши учун пойдеворлар мустаҳкам,

турғун, узоқ вақтга чидамли, ер ости сувлари, кимёвий ва биологик моддалар таъсир этмайдиган бўлиши лозим.

Пойдеворлари лентасимон қуйма, алохида турувчи йиғма темир бетондан иборат. Пойдеворни тепа юзаси, яъни девор жойлашадиган томони пойдевор чети (обрез), остки асосга тегиб турувчи текислиги эса пойдевор таги деб аталади. Иқтисодий ҳамда меҳнат сарфи жихатидан анча қулай бўлган лентасимон йиғма бетон ва темир-бетон пойдеворлар заводларда тайёрланган пойдевор элементларидан терилади ва уларни ҳар қандай обихаво шароитида ҳам ўрнатиш мумкин. Лентасимон йиғма пойдеворлар пойдевор девори блокидан (эни 300, 400, 500 ва 600 мм, баландлиги 580 ва узунлиги 780 ва 2380 мм) иборат. Пойдеворга РСТ У3778-97 серияли йиғма темир бетон пойдевор блоклари ишлатилган. Барча пойдевор блокларининг устки қисмидан боғловчи темир бетон камар билан мустахкамланган.

Девор бинонинг асосий конструктив элементларидан бири бўлиб, у ташқи муҳит таъсиридан ҳимоялашдан ташқари кўп ҳолларда ўзига қўйилган қаватлараро ёппа ва том оғирлигини кўтариш вазифасини ҳам бажаради. Бинонинг бу элементи турли-туман ташқи кучлар ва ташқи муҳит таъсири остида бўлади. Деворлар ўз хусусий оғирлигини, том ва қаватлараро ёппалардан тушадиган доимий ва вақтинчалик юкларни, шамол кучи таъсирини, асоснинг нотекис чўкишидан ҳосил бўлган деформацияларни, зилзила кучларива бошқаларни қабул қилади. Деворлар ташқи томондан қуёш радиацияси, ёғин-сочин, ўзгарувчан температура ва ҳаво намлиги, шовқинлар, ички томондан эса иссиқлик оқими, сув буғи, шовқин каби таъсирлар остида бўлади. Шунинг учун ҳам бино лойиҳасини яратишда деворларнинг жойи, уларнинг конструктив схемаси ва турини танлашга катта эътибор берилган. Бино деворлари вазифасига кўра қуйидаги асосий талабларга жавоб бериши керак, мустахкам, турғун, фазовий бикр бўлиши, бино классига тўғри келувчи оловбардошлик даражасига мос, хона ичида маълум температура ва намлик режимини таъминлаш, товушдан етарли даражада изоляция қилиши, ўрнатилишида технологик ва индустриалликка

эга, тежамли ва арзон бўлиши, уни қуришга меҳнат кам сарфланадиган бўлиши, архитектура талабларига жавоб бериши лозим. Ташқи деворларда одатда бино ичини табиий ёриқлик билан таъминлаш учун дераза ўрни, хонага кириш ва балкон ҳамда айвонларга чиқиш учун эшик ўрни қолдирилади. Дераза ва эшик ўрнатилган деворлар ҳам ўз навбатида юқоридаги талабларга жавоб беради.

Ташқи деворлар ва улар билан биргаликда бинонинг бошқа элементларини бино қурилатган жойнинг табиий-иқлим ва геологик шарт-шароитларига ҳамда хажмий режалаштириш ечимларини ҳисобга олган ҳолда вертикал деформация чоқлари орқали қисмларга ажратилади.

Ташқи деворлари эса арматураланган II –категорияга кирувчи ғиштдан тайёрланган. Деворлар ўзаро горизонтал арматураланган қуйма темир бетон белбоғ билан боғланган. Ђиштин деворли биноларнинг зилзилага чидамлилигини ошириш учун бир неча хил тадбирлар қўлланилган. Бунда бинонинг турғунлиги ва фазовий бикрлиги қаватлараро ёпма ва том ёпмаси текислигида деворлар устидан бўйлама ва кўндаланг ўрнатилган зилзилага қарши қуйма ёки йиғма темир-бетон арматура узлуксиз бўлиши керак. Бу белбоғлар арматуралари ўз навбатида деворлар орасидан чиқарилган темир-бетон устунчаларнинг пўлат арматуралари ёрдамида ўзаро боғланиб, фазовий каркас ҳосил қилади. Зилзилага қарши белбоғ деворнинг бутун эни бароварида ўрнатилиб, баландлиги 150 мм қабул қилинган.


Қаватлараро ёпмалар ҳам бинонинг асосий конструктив элементларидан бири бўлиб, унинг ички бўшлиғини баландлиги бўйича қаватларга ажратиб туради. Бинода жойлашган ўрнига кўра, қаватлараро ёпмалар подвал усти ора ёпмаси, чордоқ ора ёпмаси ва қаватлараро ора ёпмасига бўлинади. Қаватлараро ора ёпмалар товуш ўтказмайдиган бўлиши керак. Шунинг учун уларда товуш изоляциясига эга бўлган кўп қатламли конструкциялар ишлатилади ва асосий конструкциялари товуш чиқармайдиган юмшоқ прокладкалар устига қўйилган. Бундан ташқари, қаватлараро ора ёпмалари

бино классига мос келадиган ўтга чидамлилиқ хусусиятларига эга бўлиши ҳам лозим.

Навоий вилоятидаги Асака банк биносилойихасида ораёпма ва том ёпмалар УТР 46.1-95 в.1. серияли кўп ковакли йиғма темир бетон плиталардан ишлатилган. Қаватлар ораёпма ва том ёпма баландлигида қаттиқ диск ҳосил қилиш учун, зилзилага қарши қуйма темир бетон камар ишлаб чиқилган.

Хоналарни бир-биридан ажратувчи, юк кўтармайдиган, вертикал ички деворлар парда деворлар деб аталади. Ора ёпмалардан тушадиган юкни кўтариб турувчи парда деворлар ҳам учраб туради. Бундай девор конструкциялари алоҳида пойдеворларга таянган бўлади ва уларнинг ечими кўтарувчи деворлар ечими каби бўлади.

Парда деворлар қаватлараро ора ёпмаларни кўтарувчи конструкцияларга (харилар, плиталар) таянган бўлади. Парда деворларни тўғридан-тўғри пол устига ўрнатиб бўлмайди. Парда деворлар қуйидаги талабларга жавоб



бериши: мустаҳкам, енгил, товуш, буғ ва газ ўтказмаслиги, сув таъсирига чидамли бўлиши, ёнмаслиги, юзаси бўялишига ёки гулқоғоз ёпиштирилишига тайёрланган бўлиши, сиртида ғадир-будирлар, ковакчалар бўлмаслиги керак. Турар-жой биноларида парда деворлар вазифасига асосан хоналарни ажратувчи, квартираларни ажратувчи ҳамда санитария хоналарида ишлатилувчи

турларга бўлинади.

Ғишт парда деворлар қалинлиги  $\frac{1}{2}$  ғишт қалинлигида ишлатилган. Қалинлиги  $\frac{1}{2}$  ғишт деворлар баландлиги 3м гача, узунлиги эса 5 м дан ошмаслиги керак. Агар хона баландлиги ва узунлиги кўрсатилган ўлчамлардан катта бўлса, у холда ҳар олти қатордан сўнг горизонтал чоклар бўйича жойлашган, қалинлиги 1,5 мм ва эни 25 мм бўлган узун пўлат листлар билан арматураланган(1 расм). Бундай арматура учлари бино асосий конструкциясининг арматураларига уланган бўлади. Барча блокларда қалинлиги 120 мм бўлган арматураланган ғиштли парда деворлардан фойдаланилган. Деворларга қуйма темир-бетон, парда деворларга эса металл перемичкалар ишлатилган.

Хона ичига табиий ёруғлик девордаги вертикал ёки томлардаги горизонтал жойлашган очик ўймалар (дераза ўрни) орқали тушади.

Хонанинг ёритилганлик даражаси қурилиш норма ва қоидалари асосида аниқланади. Дераза ва витражлар хоналарни табиий ёруғлик билан таъминловчи асосий конструкциялар бўлиб ҳисобланади. Биноларни ойналаш конструкциялари муҳим элементлардан бири бўлиб, бино ташқи кўриниши (экстерьер) ҳамда хона ички (интерьер) кўринишига таъсир этади. Деразаларга қўйиладиган асосий талаблардан яна бири иссиқлик ўтказмаслик хусусияти бўлиб, иссиқликнинг исрофини камайтириш ва хонанинг товуш изоляциясини таъминлаш талаб этилади.

Эшиклар бино ичига кириш ва бирдан бирига ўтиладиган хоналарни ўзаро изоляция қилиш учун хизмат қилади. Уларнинг сони ва ўлчамлари хонага тўғри келган кишилар сони, бинонинг кўриниши ва бошқалар асосида бўйича аниқланади. Эшиклар деворларга маҳкамланадиган ром кўринишидаги кесаки ва уларга илинган тавақадан иборат бўлади.

Тавақалар сонига қараб эшиклар бир, бир ярим ва икки тавақали бўлади. Ички девор эшикларида остона қўйилмайди. Эшик кесакиси деворларда қолдирилган махсус ёғоч пробкаларга михлар билан қотирилади. Эшик кесакиси чиришга қарши ишлов берилган бўлиб, ўрнатишда четларига

(девор билан кесаки оралиғига) толь ўралади. Парда деворларда эшик кесакиси билан девор конструкцияси оралиғидаги ёрик “наличник” билан беркитилади. Банк биносида бир табақали эшикларнинг кенглиги 910мм, икки табақалиларини кенглиги эса 1310 мм ва 1510 мм ли эшиклар ишлатилган.


Поллар темир-бетон ора ёпма панели устидан ўрнатилган.

Полнинг энг юқори қатлами “қоплама” ёки “ҳақиқий пол” деб аталади. Пол материали олдиндан тайёрланган юза сатҳига ўрнатилади. Бунда тагига солинган текисловчи қатлам бетондан, цемент-қум қоришмасидан иборат

Қаватлараро ора ёпмада пол асоси бўлиб, ора ёпма кўтарувчи конструкция ҳисобланади. Бунда тагига солинадиган бетон қатлам бўлмайди. Пол конструкциясига товуш ўтказмайдиган, иссиқлик ва сув ўтказмайдиган қатламлар қўшимча бўлим кириши мумкин.

Бинонинг вазифасига ва ишлаб чиқариш жараёнлари характерига кўра поллар пишиқ бўлиши, иссиқликни кам ўтказувчи, сирпанмайдиган, хўлланганда шишмайдиган, кўриниши чиройли, чанг олмайдиган, юрганда товуш чиқармайдиган, осон тозаланувчан, индустриал ва арзон бўлиши керак. Намлик юқори даражада бўладиган хона поллари намлик таъсирига чидамли ва сув ўтказмайдиган, ёнғиндан хавфли биноларда эса ёнмайдиган бўлиши керак.

Навоий вилоятидаги Асака банк биносининг ювиниш хоналари, ошхоналар ва айрим инвентар сақлаш хоналарида керамик плиткали поллар ишлатилган. Плиткалар квадрат шаклда бўлиб, қалинлиги 10 мм бўлади. Улар бетон асосга 20 мм қалинликдаги цемент қоришма устидан ётқизилган. Керамика материаллари амалда сув ўтказмайди, қаватлараро ёпмаларни кўтариб турувчи конструкцияларни намдан ҳимоялайди; тез ейилмайди; чангимайди, осон ювилади, кислота ва ишқорлар таъсирига чидамли, нам сингдирмайди.



Ёғоч поллар қалинлиги 29 мм бўлган шпунтли (арикчали ва чиқиғли) тахталарни махсус ўрнатилган лагаларга қоқиб, ҳосил қилинган. Шпунтли тахталарнинг бир четида шпунтли (арикчаси) ва иккинчи четида чиқиғи бўлади, бир тахтанинг чиқиғи кўшни тахтанинг арикчасига тушадиган қилинади. Шпунт ва чиқиқлар тўғри тўрт бурчакли, учбурчакли, трапециясимон ва ёйсимон шаклларда бўлиши мумкин. Тўсинларга ёки ора ёпма қовурғаларига таянган лагалар остига товуш ўтказмайдиган юмшоқ прокладкалар қўйилади. Булардан ташқари банк биносида, линолеум ва паркет поллар ҳам ишлатилган.

Бинонинг тепа қисмини ёпиб турувчи конструктив элементлар том ёпмаси деб аталади. Томлар биноларни атмосфера ёғингарчиликларидан сақлашдан ташқари қишда хона ичида температурани бир меъёрда сақлаб туриш, ёзда эса уни қуёш таъсирида қизиб кетишдан сақлаш вазифасини ҳам бажаради. Томлар ёпиб турувчи (ўровчи) қисмдан ва улардан тушадиган юкларни (доимий ва муваққат) кўтариб турувчи конструкциялардан иборат бўлади.

Томлар қуйидаги асосий талабларга жавоб бериши керак. Улар ўзига тушадиган доимий (хусусий оғирлиги) ва муваққат юкларни (қор, шамол ва ишлатилиш даврида тушадиган бошқа юклар) кўтариб тура оладиган бўлиши лозим. Томни ёпиб турувчи қисми ўзидан сув ўтказмайдиган, намлик, ҳаводаги агрессив химиявий моддалар таъсирига, қуёш радиацияси, совуққа, қуёш қиздиришига чидамли, қуриб қолмайдиган ва эриб кетмайдиган бўлиши керак.

Томларга қўйиладиган асосий талаблардан яна бири уларни ўрнатишда ва ишлатиш жараёнида кам маблағ сарфланадиган бўлишидир. Шу билан бирга томларни қуришда меҳнат сарфини камайтириш, меҳнат унумдорлигини ошириш ва қурилиш-монтаж ишлари сифатини яхшилашга олиб келувчи индустриал усулларни қўллашга имкон бериши керак.

Қор ва ёмғир сувларининг оқиб кетишини таъминлаш учун томлар нишобли қилиб ўрнатилади. Том нишоби, ёпма материалга ҳамда бино қурилатёган районнинг иқлим шароитларига боғлиқ бўлади. Қор қалин ёғадиган районларда нишоб катталиги, ва том ёпма материали қор қатлами қалинлиги ва уни тушириб юбориш усулига, ёмғир ёғиши кучли бўлган районларда томдан сувнинг тез оқиб кетишини таъминлашга, жанубий районларда эса том ёпма материали қуёш радиацияси таъсирига қараб таналанади.

Лойихада бирлашган томдан фойдаланилган. Бирлашган томларда ёпма қисми чордоқ ора ёпмаси конструкцияси билан бирлашган бўлиб, уларда чордоқ қисми бўлмайдиган ва чордоқ ора ёпмасининг остки қисми юқори қават учун шифт вазифасини ўтайди.

Кўпчилик ҳолларда бирлашган томлар темир-бетон элементлардан тайёрланади. Бирлашган томлар чордоқли (нишобли) томларга нисбатан 10-15% арзонга тушади, эксплуатация нархи эса 5 барабар кам бўлади.

Бирлашган томларни турини танлашда маҳаллий иқлим шароити ва бинонинг ички температура-намлик режими ҳолати эътиборга олинади: масалан, шамоллатиладиган томларни ҳар қандай иқлим шароитли раёнларда қуриш мумкин. Шамоллатилмайдиган томлар эса, қишки ўртача совуқлиги – 30° дан кам бўлмаган раёнларда қурилади.


Қуруқ ёки температура-намлик режими нормал бўлган хоналар устидан тош шамоллатилмайдиган бўлиши мумкин.

Атмосфера сувларини оқизиб юбориш учун бундай томлар нишаби 2°дан 8° гача олинади лойихада 2-5° том бўлгани учун – 4 қават рубероид тўшалган. Банк биносининг том қисмида кўп ковакли йиғма темир бетон

плита устидан бир қатлам пар қтлами учун рубероид, унинг устидан қалинлиги 100-250 мм ва хажм оғирлиги  $600 \text{ м}^3$  бўлган керамзит тоши тўшалаган, кейин қалинлиги 50 мм ли арматураланган цемент қумли қоришма ва унинг устидан 4 қатлам рубероид қатлами ва битум мастикасида чақиқ тош тўшалагн.

Қаватлараро алоқа зиналар ёрдамида амалга оширилади. Шу билан бирга зиналардан авария шароитида кишиларни эвакуация қилишда ҳам фойдаланилади. Зиналар мустахкам, пишиқ ва одамлар ҳаракати учун қулай ва хавфсиз ҳамда ёнғиндан муҳофазаланган бўлиши керак.

Зиналарни бино планида жойлаштириш, уларнинг сони ва ўлчамлари бинонинг вазифасига, катта-кичиклигига ва белгиланган вақтда кишиларни эвакуация қилиш учун қулайлик таъминланишига қараб аниқланади. Зиналар маршларидан ва зина майдончаларидан иборат бўлади (2-расм). Марш конструкцияси ўз навбатида пиллапоя ва уни қўтариб турувчи балка (косбўр)дан иборат бўлади.



2-расм. Йиғма темир-бетон конструкциядан ишланган зина детали:

1 – пиллапояларнинг юқори қисми; 2 – зина панжараси устуни; 3 – зина майдончаси.

Зина маршлари нишаби қурилиш норма ва қоидалари (ҚМК) бўйича таналанади. Масалан, асосий зиналар учун 1:2-1:1,75, ёрдамчи зиналар учун 1:1,25 нисбатда белгиланади. Ҳар бир маршдаги пиллапоялар сони 16 тадан кўп ва 3 тадан кам бўлмаслиги керак.

Зина майдончалари 1.050.1 – 1с серияли йиғма темир бетондан ишлатилган.

Банк биносининг каркас системада лойихаланган. Каркас йиғма темир бетон конструкциядан бажарилган. 1.423. - 13/88 серияли йиғма темир-бетон устунлар, 1.462.1 – 1/88. серияли йиғма темир-бетон балкалар ишлатилган. Ёпмага ГОСТ 22701.0 – 79 - ГОСТ 22701.5 – 77 га тегишли йиғма темир бетон плиталар ишлатилган.

#### Зилзилага қарши чора тадбирлар.

Навоий вилоятидаги Асака банк биносининг қурилиш ечимлари ҚМҚ 2.01.03-96 “Сейсмик районлардаги қурилиш” меёрий қоидаларига асосан ишлаб чиқилган. М75 ли ғишт терими ва М50 ли цемент қумли қоришма ишлатилган. Қаттиқ конструктив схемада лойихаланган деворлар бир-бирлари билан қуйма темир-бетон қоришмалари билан боғланган. Банк биносини блокларидаги мустаҳкамликни бўйлама ва кўндаланг деворлар, ҳамда рама ва қаттиқ диски таъминлайди. Барча бўйлама ва кўндаланг деворлар 2.130-6С в.1. серияли сеткалар билан арматураланган. Дераза проемларини ўлчамлари ҚМҚ талабларига жавоб беради ва темир-бетон сердечниклар, перемичкалар билан ўзаро боғланган. Барча бўйлама ва кўндаланг деворлар ора ёпма сатхида қуйма темир-бетон зилзилага қарши сейсмик камарлар билан боғланган.

#### Махсус тадбирлар.

Ғиштли ташқи девор конструкцияларининг гидроизоляция қатлами 1:2 нисбатли цементли қоришмалардан тайёрланган. Том конструкциясини, пол, дераза ва эшик блокларини ёғочли элементлари ҚМҚ 2.0311-96 меёрий қоида талабларига кўра коррозиядан химояланган. Барча металл деталларнинг брикмалари ПФ-115 бўёқлари билан қопланган. Асбест-цемент листларнинг ташқи сиртлари 136-41 ГОСТ 10834-76 га кўра кремний органик суюқлиги билан бўялган.

#### Пардозлаш ишлари

Навоий вилоятидаги Асака банк биносининг барча қаватларининг ички пардозлари қайдномада кўрсатилганидек ўзининг функционал талабларига кўра бажарилди. Ички деворлар водозэмульия бўёқлари билан, бионинг ташқи фасади цемент қумли қоришма билан қопланиб, махсус бўёқлар билан, дераза ва эшиклар эса ПФ 115 эмаллари билан қопланган.

#### Канализация ва сув қувурлари.

Лойихадаги канализация ва сув қувурлари КМК 2.04.01-98, КМК 2.01.03.-96 меёрий хужжат талабларига жавоб беради. Канализация ва сув қувурлари (иссиқ ,совуқ сув) марказий шаҳар тармоғига уланган. Шунингдек канализация сувларини чиқариш ҳам шаҳар канализация тармоғига уланган.

#### Электр билан таъминлаш.

Банк биносини электр билан таъминлаш КМК 2.04.17-98 ( Жамоат ва турар жой биноларини электр билан таъминлаш меёрлари) меёрий талаблари асосида бажарилди. Хисобий қуввати -110 кВт ни ташкил этади. Бинони электр билан ёритиш электр шити орқали амалга оширилади. Электр шити бинога яқин жойлашган трансформатор подстанцияси орқали электр токи билан таъминланади.

#### Кучсиз тоқлар

Кучсиз тоқлар (телефон, радио) РП орқали шаҳар АТС тармоғига уланади. ТА-11320 типдаги телефон аппаратлари билан жихозланган. Сигнализацияси ЭВЧС -24 ўрнатилган.

## ТАШҚИ ТЎСИҚ КОНСТРУКЦИЯЛАРИНИНГ ИССИҚЛИК ТЕХНИКА ҲИСОБИ

Ҳисоблаш учун берилган маълумотлар: Қурилиш райони Тошкент шаҳри. Ташқи ҳимоя конструкцияси 3 қатламли бўлиб, ташқи томондан ҳажм оғирлиги  $1800 \text{ кг/м}^3$ , қалинлиги 0,02 м ли цемент қумли қоришма, иссиқлик қатлами ҳажм оғирлиги  $1800 \text{ кг/м}^3$ , қалинлиги 0,38 м бўлган ғишт терими, ички томондан ҳажм оғирлиги  $1600 \text{ кг/м}^3$  ва қалинлиги 0,02 м бўлган оҳак қумли қоришмадан иборат. Ички ҳаво ҳарорати –  $18^\circ\text{C}$ .

$\alpha_u = 8,7(B_T / \text{м}^2\text{C})$  – ҳимоя конструкциясини ички юзасини иссиқлик бериш коэффиценти.

$\alpha_T = 23(B_T / \text{м}^2\text{C})$  – ҳимоя конструкциясини ташқи юзасини иссиқлик бериш коэффиценти.

$\lambda_1 = 0,76(B_T / \text{м}^0\text{C})$  – биринчи қатлам материалининг иссиқлик ўтказувчанлик коэффиценти. (ҚМҚ 2.01.04-97).

$S_1 = 9,6(B_T / \text{м}^2\text{C})$  – биринчи қатлам материалининг иссиқлик ўзлаштириш коэффиценти (ҚМҚ 2.01.04.-97).

$\lambda_2 = 0,70(B_T / \text{м}^0\text{C})$  – иккинчи қатлам материалининг иссиқлик ўтказувчанлик коэффиценти. (ҚМҚ 2.01.04.-97).

$S_2 = 9,2(B_T / \text{м}^2\text{C})$  – иккинчи қатлам материалининг иссиқлик ўзлаштириш коэффиценти. (ҚМҚ 2.01.04.-97).

$\lambda_3 = 0,70(B_T / \text{м}^0\text{C})$  – учинчи қатлам материалининг иссиқлик ўтказувчанлик коэффиценти. (ҚМҚ 2.01.04.-97).

$S_3 = 8,69(B_T / \text{м}^2\text{C})$  – учинчи қатлам материалининг иссиқлик ўзлаштириш коэффиценти. (ҚМҚ 2.01.04.-97).

Ташқи ҳимоя конструкцияларининг қишки иқлим шароитларига лойиҳалаганда, асосий параметрлардан бири конструкциянинг умумий ҳисобий қаршилигидир.

Конструкциянинг умумий ҳисобий қаршилиги қуйидаги формуладан аниқланади:

$$R_{\text{ум}}^{\text{хис}} = \frac{1}{\alpha_u} + \Sigma R_T + \frac{1}{\alpha_T}$$

бу ерда  $R_T = \frac{\delta}{\lambda}$  – термик қаршилик.

$\delta$  – конструкциянинг қалинлиги;

$\lambda$  – конструкциянинг иссиқлик ўтказувчанлик коэффициентини;

Конструкциянинг 3 қатламли бўлганлиги учун:

$$R_T = R_{T1} + R_{T2} + R_{T3};$$

$$R_T = \frac{\delta_1}{\lambda_1} + \frac{\delta_2}{\lambda_2} + \frac{\delta_3}{\lambda_3};$$

$$R_U = \frac{1}{\alpha_U} = \frac{1}{8,7} = 0,115 (\text{м}^2 \text{ } ^\circ\text{C}) / B_T;$$

$$R_T = \frac{1}{\alpha_T} = \frac{1}{23} = 0,043 (\text{м}^2 \text{ } ^\circ\text{C}) / B_T;$$

Ҳар бир қатламнинг термик қаршиликларини аниқлаймиз:

$$R_{T1} = \frac{\delta_1}{\lambda_1} = \frac{0,02}{0,76} = 0,0263 (\text{м}^2 \text{ } ^\circ\text{C}) / B_T;$$

$$R_{T2} = \frac{\delta_2}{\lambda_2} = \frac{0,38}{0,70} = 0,542 (\text{м}^2 \text{ } ^\circ\text{C}) / B_T;$$

$$R_{T3} = \frac{\delta_3}{\lambda_3} = \frac{0,02}{0,70} = 0,0285 (\text{м}^2 \text{ } ^\circ\text{C}) / B_T;$$

Ташқи ҳимоя конструкциясининг умумий термик қаршилиги:

$$R_T = R_{T1} + R_{T2} + R_{T3} = 0,0263 + 0,542 + 0,0285 = 0,597 (\text{м}^2 \text{ } ^\circ\text{C}) / B_T;$$

Юқоридагилардан фойдаланиб, умумий ҳисобий қаршиликни аниқлаймиз:

$$R_{\text{ум}}^{\text{хис}} = \frac{1}{\alpha_u} + \Sigma R_T + \frac{1}{\alpha_T}$$

$$R_{\text{ум}}^{\text{хис}} = 0,115 + 0,597 + 0,043 = 0,755 (\text{м}^2 \text{ } ^\circ\text{C}) / B_T;$$

Умумий ҳисобий қаршилик, умумий рухсат қилинган қаршиликдан катта ёки шунга тенг бўлиши керак.

$$R_{ум}^{хис} \geq R_{ум}^{р.к}$$

Умумий рухсат қилинган қаршилик қуйидаги формуладан топилади:

$$R_{ум}^{р.к} = \frac{n(t_U - t_T)}{\Delta t^H \cdot \alpha_U}$$

бу ерда:  $\Delta t^H$  – ички ҳаво ҳарорати билан ҳимоя қурилмасининг ички юзасидаги ҳароратлар ўзгариши. (ҚМҚ 2.01.04.-97. 2-жадвал)  $\Delta t^H = 6^\circ C$ .

$n$  – ташқи ҳимоя қурилмасининг ташқи ҳавога нисбатан жойлашишини ҳисобга олувчи коэффициент. (ҚМҚ 2.01.04.-97. 3-жадвал).  $n = 1$

$t_U$  – ички ҳаво ҳароратининг ҳисобий қиймати.  $t_U = 18^\circ C$ ;

$t_T$  – ташқи қиш пайтидаги ҳароратнинг ҳисобий қиймати (ҚМҚ 2.01.01.-94).

$\alpha_U$  – ҳимоя конструкцияларининг иссиқлик бериш коэффициенти.

$$\alpha_U = 8,7(B_T / m^2 C)$$

Ташқи қиш пайтидаги ҳароратнинг ҳисобий қийматини, конструкциянинг иссиқлик инерциясини ҳисобга олган ҳолатда ҚМҚ 2.01.01.-94 “Лойиҳалаш учун иқлимий физикавий – геологик маълумотлар” дан қабул қиламиз.

Ташқи ҳимоя конструкциясининг иссиқлик инерцияси қуйидаги формула бўйича аниқланади:

$$D = R_{T1} \cdot S_1 + R_{T2} \cdot S_2 + R_{T3} \cdot S_3$$

бу ерда:  $R_{T1}, R_{T2}, R_{T3}$  – 1-2- ва 3- қатлам конструкцияларининг термик қаршиликлари.

$S_1, S_2, S_3$ , – 1-, 2- ва 3- қатлам материалларини иссиқлик ўзлаштириш коэффициентлари. (ҚМҚ 2.01.04-97).

$$D = 0,0263 \cdot 9,6 + 0,542 \cdot 9,2 + 0,0285 \cdot 8,69 = 0,252 + 4,986 + 0,247 = 5,485$$

Конструкциянинг иссиқлик инерцияси  $D = 5,485$  бўлганлиги учун ҚМҚ дан ташқи ҳисобий ҳароратни уч суткалик совуқ кун бўйича қабул қиламиз.

Тошкент шаҳри учун:

$$t_T^{1c} = -19 \quad t_T^{5c} = -16 \quad t_T^{3c} = \frac{t_T^{1c} + t_T^{5c}}{2}; \quad t_T^{3c} = \frac{-19 + (-16)}{2} = -17,5$$

Умумий рухсат қилинган қаршиликни аниқлаймиз:

$$R_{\text{ум}}^{p.k.} = \frac{n(t_U - t_T)}{\Delta t^H \cdot \alpha_U} = \frac{1(18 - (-17,5))}{6 \cdot 8,7} = \frac{34}{52,2} = 0,651 (M^2 \cdot C / B_T)$$

$$R_{\text{ум}}^{xuc} \geq R_{\text{ум}}^{p.k.} \quad 0,755 > 0,651$$

Демак биз ҳисоблаётган конструкциямиз, Тошкент шаҳри учун қишки иқлим шароитларининг иссиқлик техника талабига тўла жавоб беради.

Июль ойининг ташқи ҳаво ҳароратининг ўртача қиймати  $21^{\circ}\text{C}$  дан юқори бўлган туманларда ташқи тўсиқ конструкциялари ёзги иқлим шароитига мослаб ҳисобланади. Ёзги иқлим шароитларига мослаб ҳисоблаганда, девор ички сиртидаги ҳарорат ўзгаришининг талаб қилинган миқдори, деворнинг ички юзасидаги ҳарорат ўзгаришининг амплитудасининг ҳисобий қийматидан катта ёки шунга тенг бўлиши керак.  $A_{\text{ai}}^{T.K.} \geq A_{\text{ai}}^{xuc}$ ;

Девор ички сиртидаги ҳарорат ўзгаришининг талаб қилинган миқдори қуйидагича аниқланади:  $A_{\text{ai}}^{T.K.} = 2,5 - 0,1(t_T - 21)$

бу ерда:  $t_T$  – июль ойининг ташқи ҳаво ҳароратининг ўртача қиймати. (ҚМҚ 2.01.01.-94).

Самарқанд шаҳри учун  $t_T = 26,9^{\circ}\text{C}$

$$A_{\text{ai}}^{T.K.} = 2,5 - 0,1(26,9 - 21) = 1,91^{\circ}\text{C}$$

Ҳимоя конструкциясининг ички юзасидаги ҳарорат ўзгаришнинг амплитудасининг ҳисобий қиймати қуйидаги формула билан аниқланади:

$$A_m^{xuc} = \frac{A_{tT}^x}{\nu}$$

бу ерда:  $A_{tT}^x$  – ташқи ҳаво ҳароратининг ўзгариш амплитудасининг ҳисобий қиймати.

$\nu$  – ҳарорат ўзгаришининг сўниш коэффиценти;

$$A_{tT}^x = A_{tT} \cdot 0,5 + \frac{(Y_{\text{max}} - Y_{\text{ypm}})\rho}{\alpha_T^1}$$

бу ерда:  $A_{tT}$  – июль ойида ташқи ҳаво ҳароратларини ўзгаришларининг энг катта қиймати.  $A_{tT} = 25,2^{\circ}\text{C}$  (ҚМҚ 2.01.01.-94).

$Y_{\max}, Y_{\text{ўрт}}$  - мос равишда йиғма (тўла) қуёш радиациясининг энг катта ва ўртача қиймати.  $Y_{\max}=561 \text{ (Вт/м}^2\text{)}, Y_{\text{ўрт}}=179 \text{ (Вт/м}^2\text{)}$ ; (ҚМҚ 2.01.01.-94).

$\rho$  – Девор ташки сирти материалынинг қуёш радиациясини ютиш коэффициентини (ҚМҚ).  $\rho = 0,7$ ;

$\alpha_T^1$  – ҳимоя конструкциясининг ёз шароитида иссиқлик бериш коэффициентини:

$$\alpha_T^1 = 1,16 \cdot (5 + 10\sqrt{\vartheta})$$

бу ерда:  $\vartheta$  – румб бўйича июль ойидаги ўртача шамол эсиш тезликларининг минимал қиймати.  $\vartheta = 2_m / c$  (ҚМҚ 2.01.01.-94).

$$\alpha_T^1 = 1,16 \cdot (5 + 10\sqrt{2}) = 22,2 \text{ (Вт / м}^2 \text{ } ^\circ\text{C)}$$

Юқоридагилардан фойдаланиб:

$$A_{\text{гТ}}^x = 25,2 \cdot 0,5 + \frac{(561 - 179) \cdot 0,7}{22,2} = 12,6 + \frac{267,4}{22,2} = 24,645$$

Ҳарорат ўзгаришининг сўниш коэффициентини қуйидаги формула билан аниқланади:

$$\nu = 0,9 \cdot \ell^{\frac{D}{\sqrt{2}}} \cdot \frac{(S_1 + \alpha_U)(S_2 + y_1)(S_3 + y_2)(\alpha_T^1 + y_3)}{(S_1 + y_1)(S_2 + y_2)(S_3 + y_3) \cdot \alpha_T^1};$$

бу ерда:  $y_1, y_2, y_3$  – мос равишда девор қатламларининг ташқи сиртининг иссиқлик ўзлаштириш коэффициентлари.

Бу коэффициентларни ташқи тўсиқ конструкциясининг иссиқлик инерциясига қараб аниқлаймиз:

$$D_1 = R_{T1} \cdot S_1 = \frac{\rho_1}{\lambda_1} \cdot S_1 = 0,0263 \cdot 9,6 = 0,252 < 1 \text{ бўлгани учун:}$$

$$y_1 = \frac{R_{T1} \cdot S_1^2 + \alpha_u}{1 + R_{T1} \cdot \alpha_u} = \frac{0,0263 \cdot 9,6^2 + 8,7}{1 + 0,0263 \cdot 8,7} = 9,05 B_T / (м^2 \text{ } ^\circ\text{C})$$

$$D_2 = 0,542 \cdot 9,2 = 4,986 \quad D_2 < 1 \text{ бўлгани учун } y_2 = S_2 = 9,2 B_T / (м^2 \text{ } ^\circ\text{C})$$

$$D_3 = 0,0285 \cdot 8,69 = 0,247 \quad D_3 < 1 \text{ бўлгани учун}$$

$$y_3 = \frac{(R_{T3} \cdot S_3^2 + y_2)}{1 + R_{T3} \cdot \alpha_u} = \frac{0,0285 \cdot 8,69^2 + 9,2}{1 + 0,0285 \cdot 8,7} = \frac{11,352}{1,247} = 9,1 B_T / (м^2 \text{ } ^\circ\text{C})$$

Ҳарорат ўзгаришининг сўниш коэффициентини аниқлаймиз:

$$\begin{aligned}
\nu &= 0,9 \cdot \ell^{\frac{D}{\sqrt{2}}} \cdot \frac{(S_1 + \alpha_U)(S_2 + y_1)(S_3 + y_2)(\alpha_T^1 + y_3)}{(S_1 + y_1)(S_2 + y_2)(S_3 + y_3) \cdot \alpha_T^1} = \\
&= 0,9 \cdot 2,718^{\frac{5,485}{\sqrt{2}}} \cdot \frac{(9,6 + 8,7)(9,2 + 9,05)(8,69 + 9,2)(22,2 + 9,1)}{(9,6 + 9,05)(9,2 + 9,2)(8,69 + 9,1) \cdot 22,2} = \\
&= 0,9 \cdot 2,718^{3,879} \cdot \frac{18,3 \cdot 18,25 \cdot 17,89 \cdot 31,3}{18,65 \cdot 18,4 \cdot 17,79 \cdot 22,2} = 0,9 \cdot 2,718^{3,879} \frac{187011,639}{135526,924} = \\
&= 2,718^{3,879} \cdot 1,2418 = 48,356 \cdot 1,2418 = 60,048
\end{aligned}$$


Химоя конструкциясининг ички юзасидаги ҳарорат ўзгаришининг амплитудасининг ҳисобий қийматини аниқлаймиз:

$$A_{\pi}^{xuc} = \frac{24,645}{60,048} = 0,41^{\circ} C \quad 1,91^{\circ} C < 0,41^{\circ} C - \text{шарт бажарилди.}$$

Демак, биз танлаган ташқи тўсиқ конструкциямиз ёз шароити талабларига тўла жавоб беради.

# ҲИСОБИЙ ҚИСМИ

## КЎП ДУМАЛОҚ ТЕШИКЛИ ҚАВАТЛАРАРО ЁПМА ПАНЕЛИНИ КОНСТРУКЦИЯЛАШ ВА ҲИСОБЛАШ



Ҳисоблаш учун берилган дастлабки маълумотлар:

Юк кўтарувчи деворлар оралиғи – 6,0 м;

Панелнинг наминал ўлчамлари бўйича – 5,86 м;

Энига – 1,2 м, баландлиги – 0,22 м.

Бетон классификацияси В25.

$$E_b = 2,0 \cdot 10^4 \text{ МПа}$$

$$R_{ser} = 18,5 \text{ МПа}$$

$$R_b = 18,5 \text{ МПа}$$

$$R_{bt,ser} = 1,6 \text{ МПа}$$

$$R_{bt} = 1,05 \text{ МПа}$$

Олдиндан зўриктирилган А-IV синфли арматура бўйича:

$$R_{sn} = 590 \text{ МПа}$$

$$R_s = 510 \text{ МПа}$$

$$R_{sw} = 405 \text{ МПа}$$

$$E_s = 1,9 \cdot 10^5 \text{ МПа}$$

В-1 синфли кўндаланг арматура

$$R_s = 360 \text{ МПа}$$

$$R_{sa} = 265 \text{ МПа}$$

$$E_s = 1,7 \cdot 10^5 \text{ МПа}$$

1. Юклар ва кучланишларни аниқлаш. Эни 1,2 м бўлган панелга қуйидаги меъёрий юклар таъсир этади:

Меъёрий қисқа муддатли -  $P^n=2000 \cdot 1,2=2400$  н/м

Ҳисобий қисқа муддатли –  $P=2600 \cdot 1,2=3120$  н/м

Меъёрий доимий ва узоқ муддатли юклар

$q^n=4150 \cdot 1,2=4980$  кн/м

ҳисобий доимий ва узоқ муддатли ҳисобий юклар

$q=4785 \cdot 1,2=5742$  кн/м

Жами меъёрий  $q^n+p^n=(2400+4980) \cdot 1,2=8856$  кн/м

Жами ҳисобий  $q+p=(4785+3900) \cdot 1,2=10422$  кн/м

3-жадвал

| № | Юклар                  | Меъёрий<br>юк<br>Н/м <sup>2</sup> | Ишончлилик<br>коэффициенти<br>$\gamma_f$ | Ҳисобий<br>юк<br>Н/м <sup>2</sup> |
|---|------------------------|-----------------------------------|------------------------------------------|-----------------------------------|
|   | I. Доимий:             |                                   |                                          |                                   |
| 1 | Линолеум               | 300                               | 1,1                                      | 330                               |
| 2 | Цемент-қумли қоришма   | 500                               | 1,3                                      | 650                               |
| 3 | Товуш изоляцияси       | 600                               | 1,3                                      | 780                               |
| 4 | Қаватлараро ёппа       | 2750                              | 1,1                                      | 3025                              |
|   | Жами                   | $q^n=4150$                        | -                                        | $q=4785$                          |
|   | II. Вақтинчалик:       |                                   |                                          |                                   |
| 1 | Қисқа муддатли         | 1200                              | 1,3                                      | 1950                              |
| 2 | Узоқ муддатли          | 300                               | 1,3                                      | 390                               |
|   | Жами                   | $p^n=3000$                        | -                                        | $p=2340$                          |
|   | Тўлиқ юк:              |                                   |                                          |                                   |
| 1 | Тўлиқ ва узоқ муддатли | 5150                              | -                                        | 6085                              |
| 2 | Қисқа муддатли         | 2000                              | -                                        | 2600                              |
|   | Жами:                  |                                   |                                          |                                   |

|  |                |      |   |      |
|--|----------------|------|---|------|
|  | $(q^n + p^n):$ | 7150 | - | 8685 |
|--|----------------|------|---|------|

Ишончилилик коэффициентини  $\gamma_n=0,95$

Ҳавонинг ўртача нисбий намлиги 40% дан юқори.

